

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

С.Х.Абдуллаев

ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМНИ ЎҚИТИШДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Технологик таълим бакалавриат йўналиши талабалари учун

Наманган – 2023

Мазкур ўқув услубий қўлланмада дарсларни иоғор педагогик технологиялар асосида самарали ташкил этиш йўллари, таълимга технологик ёндашув асосида жонли ташкил этиш, дарснинг мазмун мохиятини очиб беришни ўрганиш масалаларида талабаларга яқиндан ёрдам берувчи методлар ёритиб берилган. Мазкур ўқув қўлланма технологик таълим бакалавриат йўналиши талабаларига мўлжалланган, қўлланмадан умумтаълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ҳамда малака ошириш курсларида тахсил олаётган курс тингловчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф:

С.Х.Абдуллаев-НамДУ Технологик таълим
кафедраси доценти

Тақризчилар:

Х.М.Акрамов – НамДУ Технологик таълим
кафедраси мудири

И.Т.Улуханов -НамДУ Технологик таълим
кафедраси доценти

Ушбу ўқув қўлланма НамДУ Технологик таълим кафедрасининг 2022 йил _____даги ___сонли йиғилишида кўриб чиқилиб, университет ўқув-услубий Кенгашининг 2023 йил “___” _____даги _____сонли йиғилишида фойдаланишга тавсия этилди.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТУШУНЧАСИ

XX асрнинг 70 – 80 йилларида Америкада ишлаб чиқилган таълим технологияси ғояси бугунги кунда барча ривожланган мамлакатларга тарқалишга улгурди. Таълим технологияси ғояси нуфузли халқаро ташкилот – ЮНЕСКО томонидан тан олинди, қўллаб-қувватланди. Ривожланишга юз тутган Республика-миз таълим тизими учун ҳам бу жуда муҳим бўлиб, таълимнинг барча турларида хизмат кўрсатиб турган ўқитувчиларнинг таълим технологияларини ўзлаштиришлари ҳамда амалиётда қўллашлари катта аҳамиятга молик.

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мос тушадиган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интиломқдалар. Шу ўринда: «Нима учун бугунги кунда педагогик технологияларнинг миллий назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурияти туғилиб қолди?» – деган савол пайдо бўлиши мумкин.

Бундай саволга жавобни инсон томонидан, айниқса, микрокосмос (электроника) ва макрокосмос (коинот) нинг ўзлаштирилишида ўзининг ёрқин ифодасини топган, XX асрнинг иккинчи ярмида содир бўлиб ўтган фан-техника революцияси натижасида одамлар онгида ўзликни, жамиятни, атроф-муҳит ва оламни англашда кечаётган улкан ўзгаришлардан излаш жоиздир. Бу ўзгаришлар педагогик жараёни уюштиришга хос анъаналарда қуйидаги камчиликларнинг мавжудлигини аёнлаштирди:

- анъанавий ўқитиш тизимининг **ёзма ва оғзаки сўзларгагина таяниб иш тутиши** ўқув жараёнининг ташкилотчисидек шарафли касб эгаси бўлмиш ўқитувчи фаолиятини **«ахборотли ўқитиш»** фаолиятининг механизмига айлантириб қўяётганлиги, ўқитувчининг ўқув жараёни ташкилотчисидан кўра керагидан анча ортиқроқ ноёб билимлар манбаига айланишга мажбур бўлаётганлиги;

- фан-техника тараққиётининг бетўхтов ривожланиб бориши жараёнида ахборотларнинг кескин кўпаяётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун **вақтнинг чегараланганлиги**;

- кишилик жамиятининг анъанавий – **назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан** янгича – **фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга** ўтиб бораётганлиги;

- анъанавий ўқитишнинг ёшларга илғор билимлар бериш усули – объектив борлиққа **тизимли ёндашув** тамойили талаблари олдида заифлиги;

- **таълим жараёнини жадаллаштириш** ва **таълим самарадорлигини** ошириш йўлида ва санаб ўтилган камчиликларни бартараф этишда анъанавий тарзда ўқитишга нисбатан педагогик технологияларнинг катта истикболларга эгаллиги.

Ҳозирги кунда педагогик адабиётда, таълим муаммоларига оид маъруза-

ларда ва расмий ҳужжатларда «Янги педагогик технология», «Илғор педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология», «Замонавий таълим технологияси» иборалари кенг қўлланилмоқда. Шунинг учун «Педагогик технологиялар» иборасининг бир-биридан фарқланувчи кўпгина таърифлари мавжуд (В.П. Беспалько, Б. Зиёмухаммадов, М.В. Кларин, И.Я. Лернер, Б.Т. Лихачев, В.М. Монахов, А. Очиллов, Д.Н. Раззоқов, Ё.Р. Раҳмонова, Н.Сайидахмедов, Т. Сакомато, Г.К. Селевко, Б.Л. Фарберман ва б.). Бу ердаги «технология» сўзи – юнонча икки сўздан – «технос» (techne) – маҳорат, санъат ва «логос» (logos) – фан, таълимот сўзларидан ташкил топган.

«Педагогик технологиялар»га оид адабиётларда ушбу иборага унинг айнан қандай муҳитда қўлланилаётганлигига қараб таъриф бериш анъанаси ҳукм суради:

- фан сифатида – «педагогика фанининг ўқитиш мақсадларини, мазмунини ва методларини ўрганиш ва ишлаб чиқиш ҳамда педагогик жараёнларни лойиҳалаш билан шуғулланувчи қисми»;
- педагогик жараён тафсилотини баён этишда – «ўқитишнинг режалаштирилган мақсадларига эришишнинг жараёнини, мақсадлари мажмуаси, мазмуни, методлари ва воситаларини алгоритмик тартибда баён этиш»;
- педагогик жараённи бевоста жорий этишда – «жамиики шахсий, инструментал ва методологик воситаларни жалб этган ҳолда педагогик жараённи амалга ошириш».

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, «педагогик технологиялар» ни педагогнинг таҳсил олувчиларга муайян шароитларда ўқитиш воситалари ёрдамида кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса деб таърифлаш мумкин.

ЮНЕСКО таърифи (1998 й.): *«Педагогик технология – ўз олдида таълим шакллари муқобиллаштириш вазифасини қўювчи, техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро фаолиятини ҳисобга олган ҳолда таълим бериш ва таҳсил олиш жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир».*

Бир гуруҳ ўзбек педагог олимлари томонидан ижодий ҳамкорликда ишлаб ишлаб чиқилиб, тақлиф этилган таъриф (2008 й.): *«Педагогик технология – таълим олувчи шахсга йўналтирилган, демократик ҳамда такрорланувчан ўқиш натижаларини кафолатлайдиган таълим жараёнини лойиҳалаш, (моделлаштириш), амалга ошириш ва баҳолашнинг тизимий методидир».*

Шахсга йўналтирилган технологияда таҳсил олувчи шахси таълим жараёни марказига қўйилади, унинг ривожланишига ва табиий имкониятларини рўёбга чиқаришга қулай шарт-шароитлар яратилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг миллий моделига алоҳида эътибор қаратилган. Бу модел беш таркибий қисмдан иборат: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш. Бу ерда таълим миллий моделининг асосий таркибий қисми «**шахс**» биринчи ўринда туради. Бошқача қилиб айтганда бутун таълим тизими, шу жумладан бутун педагогик жараён ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиялари асосида амалга оширилиши лозим.

Шахсга янгича қараш, анъаналардагидек ўқитувчи шахсининг яқкаю ягона субъектлигидан фарқли равишда, қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнида шахс объект эмас, субъект ҳисобланади;
- ҳар бир таҳсил олувчи қобилият эгаси, кўпчилик эса истеъдод эгаси ҳисобланади;
- юқори этик қадриятлар (сахийлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик, виждон ва бошқалар) шахсининг устувор хислатлари ҳисобланади.

Муносабатларда демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- таҳсил олувчи ва таълим берувчи ҳуқуқларини тенглаштириш;
- таҳсил олувчининг эркин танлаб олиш ҳуқуқи;
- хатога йўл қўйиш ҳуқуқи;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи;
- таҳсил олувчи ва таълим берувчи муносабати зайли: таъқиқламаслик; ёлғиз ҳолда эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

Янги муносабатларнинг асосий мазмуни, ҳозирги замон шароитида самарали натижа бермайдиган ва ноинсоний ҳисобланувчи зўравонлик педагогикасидан воз кечишлиқдир.

Таълим технологиясининг анъанавий таълимдан афзаллиги – таълим жараёнини бир бутунликда кўриб, эришиладиган натижаларни, таълимнинг мақсади, мазмуни, методлари, шакллари ва воситаларини, таълим берувчи ва таҳсил олувчиларнинг фаолиятларини ўзаро мувофиқлаштириб, таълим жараёнини назорат қилиш ва таълим натижаларини баҳолаш каби элементларни ҳам ўзаро узвий боғлаб, ягона тизимга солиб, унинг лойиҳасини туза олишга қодирлигидадир.

Таълим технологиясининг анъанавий таълимдан яна бир фарқи, у таҳсил олувчиларнинг ўзларига берилган билимни ёдлаб олиб, айтиб беришига эмас, балки таълим ва тарбия жараёнининг якунида амалий ишларни бажаришига йўналтирилганлигидадир.

Педагогик технологиялар қуйидагидек асосий қисмлардан ташкил топади:

- **концептуал асос;**

– **ўқитиш мазмуни** (ўқитишнинг умумий ва муайян мақсадлари, ўқитиш материали мазмуни);

– **жорий қисм – технологик қисм** (ўқув жараёнини уюштириш, ўқувчиларнинг ўрганиш фаолиятига хос методлар ва шакллар, ўқитувчи ишининг метод ва шакллари, ўзлаштириш жараёнини бошқариш бўйича ўқитувчи фаолияти; ўқув жараёнини ташҳислаш).

Нихоят, ҳар қандай педагогик технология қуйидагидек умум методологик талабларни қондира олиши керак:

– **илмий концептуаллик** (таълим мақсадларига эришишнинг фалсафий, психологик, дидактик ва ижтимоий-педагогик жиҳатлардан асосланганлиги);

– **тизимга солинганлик** (жараённинг мантиқийлиги, жараён қисмларининг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлик);

– **бошқарилувчанлик** (натижаларга тузатишлар киритиш мақсадида ўқиш жараёнини муайян мақсад асосида амалга ошириш, режалаштириш, лойиҳалаш, босқичма-босқич тасхишлаш ва восита ҳамда методларни алмаштиравериш мумкинлиги);

– **самарадорлик** (рақобатчилик шароитида бир технология бошқасидан ўз натижалари билан, сарф-харажатиининг оптималлиги билан устун туриши, таълим стандартлари талабларини қондиришни кафолатлай олиши керак);

– **такрорланувчанлик** (турдош ўқув муассасаларида жиддий ўзгартиришларсиз бошқа субъектлар томонидан ҳам қўллавериши мумкинлиги).

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАСНИФИ

Ҳозирги кунда педагогик технологияларнинг тури шунчалик кўпки, уларни оддий санаб ўтишнинг ўзи ҳам бир қанча жой ажратилишини талаб қилади. Шундай бўлса-да, ушбу жойда янгидан янги педагогик технологияларнинг пайдо бўлиши асосида айнан нима-лар ётиши ва уларни таснифлашда айнан нима-ларга асосланилиши ҳақида қисқа тўхтаб ўтамиз.

Педагогик технологиялар **тадбиқ жойига кўра умумпедагогик**, ўқув фанлари бўйича **хусусий методик** ва **локал (модулли)** технологияларга бўлинади.

Педагогик технологиялар қуйидагидек фалсафий асосларга эга бўлиши мумкин: материалистик ва идеалистик, диалектик ва метафизик, илмий ва диний, инсонпарвар ва аксилинсонпарвар, антропософик ва теософик, эркин тарбия ва мажбурий тарбия ва ш.к. Улар асосида «**инсонпарвар педагогик технология**», «**материалистик педагогик технология**» каби тушунчалар ҳосил бўлади.

Педагогик жараёнда ўқувчига кўрсатиладиган таъсир турига қараб, **авторитар** (бунда: ўқитувчи – педагогик жараён хўжайини), **дидактоцентрик** (бунда таълим натижаси қўлланилаётган дидактик воситаларга боғлиқ деб қаралади), **шахсга йўналтирилган** (буни юқорида кўриб ўтдик) каби педагогик тех-

нологиялар ҳукм суради.

Шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар айрим нозик жиҳатларига қараб яна қуйидагидек номлар остида ҳам юритилади: **инсонпарвар-шахспарвар технологиялар** (психотерапевтик моҳиятга урғу берилади), **ҳамкорлик технологиялари** (ўқитувчи ва ўқувчиларнинг теппа-тенг ҳуқуқлар эгалари эканликларига урғу берилади), **эркин тарбия технологиялари** (ўқувчининг табиий ривожланиши йўлида унга кенг эркинлик берилади), **эзотерик технологиялар** (бундай технологияларда педагогик жараён Ҳақиқат ҳақида маълумот бериш ёки Ҳақиқат билан мулоқотда бўлиш деб эмас, балки Ҳақиқат ичига ғарқ бўлиш деб тушунилади. Масалан, ўрта асрларда Шарқда суфийлик мактабларида айнан шу технологиядан фойдаланилган. Бу ерда билим сезиш аъзолари воситасида эмас, балки ботиний онг воситасида ҳосил этилади).

Педагогик технологиялар турларининг кўплигида **ўқитиш усуллари, методлари ва воситалари** ҳам сезиларли мавқега эга: **догматик, репродуктив, тавсифий-тасвирий, дастурлаштирилган ўқитиш, муаммоли ўқитиш, ривожлантирувчи ўқитиш, ўзини ўзи ривожлантирувчи ўқитиш, диалогик, коммуникатив (мулоқотли), ўйинли, ижодий** ва шу к. педагогик технологиялар.

Амалдаги таълимий ва тарбиявий тизимларни модернизациялаш ва модификациялаш асосида ҳам кўплаб янги педагогик технологиялар шаклланган, хусусан:

– педагогик муносабатларни **инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришга асослантирилган педагогик технологиялар** (масалан, ҳамкорлик педагогикаси, Ш.А. Амонашвилининг инсонпарвар-шахспарвар педагогик технологияси, адабиёт фанини инсонни шакллантирувчи фан сифатида ўқитиш тизими);

– ўқувчилар фаолиятини **активлаштириш ва жадаллаштиришга асослантирилган педагогик технологиялар** (масалан, ўйинли технологиялар, В.Ф. Шаталовнинг таянч сигналлар конспектига асослантирилган ўқитиш технологияси, коммуникатив ўқитиш технологияси);

– ўқув жараёнини **ташқил этиш ва бошқариш самарадорлигини оширишга асослантирилган педагогик технологиялар** (масалан, дастурлаштирилган ўқитиш технологиялари, дифференциаллаштирилган ўқитиш технологиялари, В.Ф. Шаталовнинг таянч дараклар конспектига асослантирилган ўқитиш технологияси, ўқитишни индивидуаллаштириш технологиялари, таянч схемаларни қўллаган ҳолда шарҳланувчи бошқарув асосида истиқболли-илгариллама ўқитиш технологияси, гуруҳ ва жамоаларга бўлиб ўқитиш технологияси, компьютерлар воситасида ахборотли ўқитиш технологиялари ва б.);

– ўқув материални **методик такомиллаштириш ва дидактик реконст-**

рукциялашга асослантилган педагогик технологиялар (масалан, дидактик бирликларни йириклаштириш технологияси, “Маданиятлар диалоги” ва “Экология ҳамда диалектика” педагогик технологиялари, ақлий амалларни босқич-ма-босқич шакллантириш назариясини амалга ошириш технологияси ва б.);

– боланинг табиий ривожланиши жараёнига таянган **халқ педагогикаси методларини қўлловчи табиатсифат ўқитиш технологиялари** (масалан, Л.Н. Толстойча ўқитиш, А. Кушнирча ўқитиш, М. Монтессорича ўқитиш);

– **альтернатив технологиялар** (масалан, Р. Штайнернинг вальдорфча педагогикаси, С. Френенинг эркин меҳнат технологияси, А.М. Лобокнинг эҳтимолли таълим технологияси);

– муаллифлик мактабларига хос **комплекс политехнологиялар** (масалан, “Ўзликни аниқлаш мактаби”, “Рус мактаби”, “Ҳаммабоп мактаб”, “Мактаб-парк” ва б.).

Педагогик технологияларни таснифлашнинг қуйидаги шаклдагидеклари ҳам мавжуд:

– **фаолиятга асослантилган ўқитиш жараёнини яратишга мўлжалланган педагогик технологиялар** (ҳаракат режалари: фан бўйича ҳаракат режалари, нутқдан ташқаридаги ҳаракат режалари, йиғма ёки ихчам ҳаракат, яъни “ўз ичида” режалари);

– **концепцияга асослантилган ўқитиш жараёнини яратишга мўлжалланган педагогик технологиялар** (концептуал асослар: ягона негиз, курснинг бошдан-оёқ ҳукм сурувчи ғоялари, предметлараро ғоялар);

– **йирик блокларга асослантилган ўқитиш жараёнини яратишга мўлжалланган педагогик технологиялар** (бунда, масалан, 80 та – 100 та атрофидаги мавзу 7 та – 8 та блокка бирлаштирилади, ўз навбатида бу ҳол ўқитиш жараёнини аввалгисидан бошқачароқ ташкил этиш масаласини қўндаланг қилиб қўйиши мумкин);

– **илгариламаликка асослантилган ўқитиш жараёнини яратишга мўлжалланган педагогик технологиялар** (бунда ўтиб турилган дарс мавзуси ичида келажакда ўрганиладиган мавзуларнинг элементлари қўшиб ўтилади. Илгариламалик турлари: яқин илгариламалик – дарс оралиғида, ўртача илгариламалик – дарслар тизими оралиғида, узоқ илгариламалик – ўқув курси оралиғида, фанлараро илгариламалик);

– **муаммога асослантилган ўқитиш жараёнини яратишга мўлжалланган педагогик технологиялар** (масалан, шаҳарнинг қоқ ўртасида қадимдан қолиб кетган улкан бир тош жойлашган бўлиб, шаҳар ҳуснини бузиб турибди. Шу улкан тошдан қандай қилиб қутулиш мумкин? Илгарилари ҳам ундан қутулиш йўлини қўп қидиришган: арқон ёрдамида бир қанча отга судратиб олиб чиқишмоқчи бўлишганда, арқонлар узилиб кетган; тошни майда бўлақларга бўлмоқ-

чи бўлишган, лекин асбоблар қояни майдалашга ярамаган. Ўйлаб топилиши лозим бўлган жавоб: тош ёнида каттакон ўра қазилади ва тош шу ўрага юмалатиб юборилади, ўрадан чиққан турпокни майдондан йўқотиш муаммо ҳисобланмайди. Ўқитишда ҳар бир фаннинг ҳар бир мавзусига бўйича шунга ўхшаш муаммолар пайдо қилавериш ва уларга муносиб ечимлар топавериш мумкин);

– **шахс учун маънога эгаликка, шахснинг ҳиссиёти ва руҳиятига асосланган** ўқув материални яратишга мўлжалланган педагогик технологиялар (бунда ёрқин образлар воситасида ўқувчи онгида ўрганилаётган материалга нисбатан зўр қизиқиш пайдо қилинади);

– **альтернативликка асосланган** ўқитиш жараёнини яратишга мўлжалланган педагогик технологиялар (бу ерда ҳар бир нарса ёки ҳодисани англашда бир қанча нуқтаи назарлар, ёндашувлар, назариялар бўлиши мумкинлигига, лекин ҳақиқатнинг ягоналигига ишонч ҳосил қилинади);

– **вазиятга ва ўйинга асосланган** ўқитиш жараёнини яратишга мўлжалланган педагогик технологиялар (мазкур технологиялар ўқувчиларнинг академик фаолияти билан амалий фаолияти ўртасидаги мавжуд жуда катта узилишни тўлдирибтуриш аҳамиятига эга);

– **диалогга асосланган** ўқитиш жараёнини яратишга мўлжалланган педагогик технологиялар (бунда ўқитувчи ўзигина гапиравермай, дарс мавзуси бўйича тез-тез ўқувчилар билан мулоқотда бўлиб туради);

– **ўзаро ҳамкорликка асосланган** ўқитиш жараёнини яратишга мўлжалланган педагогик технологиялар (бунда ўқитувчи дарсни ўтишда ўқувчиларни ҳамкорликка чорлайди);

– **алгоритмга асосланган** ўқитиш жараёнини яратишга мўлжалланган педагогик технологиялар (бунда ҳар бир дарсга ажратилган вақт маълум тадбирларни ўтказиш учун минутма-минут тақсимлаб чиқилади, тадбирлар қатъий тартиб рақамига эга бўлади);

– **дастурга асосланган** ўқитиш жараёнини яратишга мўлжалланган педагогик технологиялар (бу ерда дастур дейилганда, ахборотнинг ўз манбаидан чиқиб, узатувчи аъзога, ундан алоқа ўзанига, ундан қабул қилувчи аъзога ва ниҳоят ундан истеъмолчига оқиб ўтиши босқичларини ифода этиб турувчи тартиб англанилади. Манба билан истеъмолчи ўртасида тесқари алоқа ўзани ҳам мавжуд бўлади).

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ПРЕДМЕТИ

Таълимни технологиялаштиришнинг асосини таълим жараёнини, унинг самарадорлигини ошириш ва таълим олувчиларнинг мавжуд шароитларда ва ажратилган вақт ичида **лойихалаштирилган ўқув натижаларига эришишларини кафолатлаш** мақсадида **тўлиқ бошқариш** ғояси ташкил этади. Бундай ён-

дошишнинг моҳияти **таълим жараёнини тизимлаштириш**дан, уни аниқ расмийлаштирилган ва деталлари бўйича аниқ элементларга бўлиб ташлаш ёрдамида максимал шакллаштиришдан иборат.

Ҳар қандай педагогик технологиянинг бош вазифаси маълум усуллар билан ўқитиш жараёнини зўр ташкиллаштириб борган ҳолда уни у ёки бу мазмундаги юксак ижобий натижалар билан яқунлашдан иборат экан, бундай жараён энг аввало шу технологиянинг муаллифи (ўқитувчи) томонидан ишлаб чиқилган (яратилган) лойиҳада ўз ифодасини топади. Бундай лойиҳанинг педагогик амалиёт майдонига олиб ўтилиши пировардда балки кўплаб камчиликларга эга бўлган амалдаги ўқув жараёнини у ёки бу мазмундаги ижобий натижалар билан яқунланувчи жараёнга айлантиради. Шу боисдан педагогика институтларида ўқитиладиган “Педагогик технологиялар” фани мазмунининг асосий қисми бўлажак ўқитувчиларга педагогик технологияларни лойиҳалашни ўргатишдан иборат бўлиши керак. Бунда педагогик технологияларнинг лойиҳалари тез кунда амалдаги ўқитиш жараёнларига ўз таъсирини ўтказа олувчи кучли бир предмет мақомини касб этади.

Демак, **педагогик технологияларнинг предмети** бўлиб, шу технологияларнинг аввалроқ яратиб қўйилган лойиҳалари хизмат қилади. “Педагогик технологиялар” фанининг фаолияти бу ердаги “аввалроқ” босқичига мансубдир.

Педагогик технологияларнинг лойиҳалари куйидагидек мазмунларда ишлаб чиқилиши мумкин:

- таълим тизимининг концептуал асосларига далиллар келтириш лойиҳалари;
- таълим мақсадларини қўйиш лойиҳалари;
- натижаларни шакллантириш лойиҳалари;
- ўқув материални танлаш ва структуралаштириш лойиҳалари;
- таълим моделини танлаш ва уларни амалга ошириш лойиҳалари;
- таълим моделининг муқобиллиги даражасини баҳолаш лойиҳалари;
- таълим моделининг самарадорлик даражасини баҳолаш лойиҳалари.


Маълумки, ишлаб чиқариш лойиҳаларини яратишда лойиҳаланаётган ишлаб чиқариш маҳсулоти, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш усуллари ва ишлаб чиқариш кучлари олдида қўйилувчи **талаблар**га асосланилади. Худди шунга ўхшаб, ўқитишнинг мазмуни ва жараёнини лойиҳалаш учун педагогик технология танлашда ва лойиҳаланаётган педагогик технологияда уларга хос хусусиятларни имкон қадар кўпроқ миқдорда қарор топтиришда лойиҳа олдида қўйилувчи **педагогик талаблар**нинг ўрни алоҳидадир.

Фанни ўқитишнинг мазмуни ва жараёнини лойиҳалаш олдида қўйиладиган педагогик талаблар таълим йўналишининг ўқув режасига биноан фан бўйича ҳар хил машғулотлар (маъруза, амалий машғулот, семинар, тажриба ва ш.к) учун ажратилган **соатлар миқдори**га, фан бўйича шу таълим йўналиши талабалари

учун зарур ва етарли ҳисобланувчи миқдор ва мазмундаги **билимлар, кўник-малар ва малакалар бирликлари мажмуасига**, фанни ўқитиш учун энг мақбул **педагогик технологияга** ва шу технологиянинг амалга ошишини таъминловчи дидактик воситаларнинг **шакли ва мазмунига** қаратилади.

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ТАДБИҚ ЭТИШ

Инновацион технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этишни ташкил этар эканмиз, бу ерда, ҳар қандай инновацион технологияни энг аввал «Педагогика» фанининг «Дидактика» бўлимида кенг ўрганиладиган куйидагидек элементлар ташкил этишини эслаб қўйишимиз ўринлидир: таълим берувчи, таълим олувчи, таълимнинг мақсади, эришиладиган натижа, таълим мазмуни, таълим методлари, таълим шакллари, таълим воситалари, назорат ва баҳолаш.



Таълимда инновацион ёндашувларнинг асосий элементларидан бири ўқитиш методларидир.

Метод – бу (грекча «Metodos» сўзидан олинган бўлиб, изланиш ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатади) аниқ вазифани ечишга бўйсундирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш операциялари ёки йўллари йиғиндиси.

Метод – таълим олувчи ва ўқитувчининг муайян мақсадга қаратилган, биргаликдаги фаолиятини ташкил қилишнинг тартибга солинган усул-лари йиғиндиси.

Ноанъанавий таълим методлари.

«КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ» методи

Кичик гуруҳларда ишлаш – ўқитувчи томонидан берилган маълум бир топшириқни ҳамкорликда бажариш учун таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратиб, берилган топшириқнинг ечиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этувчи методдир.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

Кичик гуруҳларда ишлаш методи қўлланилганда ўқитувчи бошқа ноанъанавий методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин.
- Гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

«БАҲС-МУНОЗАРА» методи

Баҳс-мунозара-таълим олувчиларни икки гуруҳга бўлган ҳолда, бирор мавзу бўйича ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириш мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир

таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб бориладиганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

Баҳс-мунозара методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундайди;
- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қиладилар;
- таълим олувчиларда эшитиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Баҳс-мунозара методининг камчиликлари:

- ўқитувчидан бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

«ДАВРА СУҲБАТИ» методи

Давра суҳбати - таълим олувчилар ўртасида ва кичик гуруҳларда айлана стол атрофида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

«Давра суҳбати» методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан «кўз алоқаси»ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашишига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертнинг олган таълим олувчи ўз жавобини қоғозга ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

Давра суҳбати методининг афзалликлари:

- ўтилган материални яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар ўзаро мулоқотда бўладилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг иштирок этиш масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш имконияти мавжуд.

Давра суҳбати методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- ўқитувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

«ИШБОП ЎЙИН» методи

Ишбоп ўйин- берилган топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс эттириш) методи ҳисобланади.

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг хулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларини имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал-гуруҳли характерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қилади, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ушбу шахсий вазифа бўйича мақсадга эришиш бутун гуруҳ аъзолари эришган натижаларга боғлиқдир. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гуруҳ эришган натижаларига қараб баҳоланади.

«Ишбоп ўйин» методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларнинг билимларини ва тажрибаларини ўз қарашлари ва хулқлари орқали ифода этишга ёрдам беради;
- таълим олувчининг бошланғич билимлари ва тажрибаларини сафарбар этиш учун яхши имконият яратилади;
- таълим олувчилар ўз билимлари доирасидан келиб чиққан ҳолда имкониятларини намоён этишлари учун шароит яратилади.

«Ишбоп ўйин» методининг камчиликлари:

- ўқитувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- вақт кўп сарфланади;
- танланган мавзу таълим олувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади;

- таълим олувчининг хис-ҳаяжони тўғри қарор қабул қилишга халақит бериши мумкин.

«ЙЎНАЛТИРУВЧИ МАТН» методи

Йўналтирувчи матн – таълим олувчилар мустақил равишда йўналтирувчи саволлар ёрдамида маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш вазифаларини бажарадиган методдир.

«Йўналтирувчи матн» методи лойиҳалаш методи билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу икки методни бир-биридан қуйидаги нуқтаи назар бўйича фарқлаш мумкин:

- «йўналтирувчи матн» методи таълим олувчиларнинг мустақил ўрганишига қаратилган;
- «лойиҳалаш» методи эса таълим олувчиларнинг мустақил ўрганишидан ташқари, эътиборни касб ўрганишда керак бўладиган шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни такомиллаштиришга қаратилган.

«Йўналтирувчи матн» методидан ўқув амалиёт дарсларида фойдаланилади. Ушбу методни ўтказиш босқичлари лойиҳалаш методининг босқичлари билан бир-хилдир. Маълумот йиғиш, режалаштириш, амалга ошириш ва текшириш босқичларида таълим олувчи мустақил ишлайдилар. Ҳарор қабул қилиш ва ҳулоса қилиш босқичларида таълим олувчи ва ўқитувчи орасида «қайтар алоқа» ўрнатилиб, биргаликда муҳокама қиладилар. Таълим олувчиларга бошланғич босқичларда ўқитувчи томонидан тузилган ёзма ҳужжатлар берилади. Бундай ҳужжатларга техник чизмалар, жадваллар, йўналтирувчи саволлар, тарқатма материаллар, топшириқлар варақаси, баҳолаш варақаси ва бошқалар кирилади.

«Йўналтирувчи матн» методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларнинг кўникма ва малакаларининг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг мустақил ўрганиш кўникмаларини шакллантиради;
- таълим олувчиларда мулоқот қилиш, ўз натижаларини ўзи текшириш кўникмаларини ривожлантиради;
- таълим олувчиларда иш-ҳаракатларни режалаштириш, мустақил қарор қабул қилиш каби кўникмаларини ривожлантиради.

«Йўналтирувчи матн» методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб қилади;
- танланган мавзу таълим олувчининг билим даражасига мос келиши талаб этилади;
- ўқитувчидан катта тайёргарлик кўриш талаб этилади.

«МУАММОЛИ ВАЗИЯТ» методи

Муаммоли вазият - таълим олувчиларга муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимини топишга асосланган методдир.

«Муаммоли вазият» методи учун танлаган топшириқнинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади.

«Муаммоли вазият» методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- таълим олувчилар сабаб, фарқ ва таъсирларни топишни ўрганадилар;
- таълим олувчиларнинг билим ва тажрибаларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

«Муаммоли вазият» методининг камчиликлари:

- таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
- қўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- кўп вақт талаб этилади.

«АҚЛИЙ ХУЖУМ» методи

Ақлий ҳужум - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий ҳужум» методи бирор муаммони ечишда таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий ҳужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий ҳужум методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий

ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

«Ақлий ҳужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

«Ақлий ҳужум» методининг афзаллик томонлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларни турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;

- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;

- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;

- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;

- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

«Ақлий ҳужум» методининг камчилик томонлари:

- ўқитувчи томонидан саволни тўғри кўя олмаслик;

- ўқитувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

«РОЛЛИ ЎЙИН» методи

Ролли ўйин – таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

«Ролли ўйин» методида ўқитувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим

олувчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак.

«Ролли ўйин» методининг афзаллик томонлари:

- ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (қизиқиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;
- таълим олувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

«Ролли ўйин» методининг камчилик томонлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- ўқитувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- таълим олувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;
- барча таълим олувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

Сюжетли-ролли ўйинлар

Таълим олувчиларнинг ижодий фикрлаши, мустақил билим эгалаш кўникмаларини ривожлантириш ва ўзларида мужассамлашган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қуллаш орқали янги билимларни ўзлаштиришда сюжетли-ролли ўйинлар муҳим роль ўйнайди.

Кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат ва табиий ҳодисаларнинг ўртасидаги алоқаларни бадиий кўриниш тарзда ёритиш асосида вужудга келтирилган муоммаларни ҳамкорликда, босқичма-босқич ҳал этиш жараёнида янги билимларни эгаллашга қаратилган дидактик ўйинларни сюжетли-ролли ўйинлар деб аташ лозим. Бундай сюжетли-ролли ўйинлар жамиятдан ёки табиатдан олинади.

Ижодий ўйинлар

Таълим олувчиларнинг ижодий изланиши, мустақиллиги, мантиқий фикрлашини ривожлантиришда, қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий ўйинлар муҳим роль ўйнайди.

Таълим жараёнида вужудга келтирилган муоммаларни таълим олувчилар гуруҳининг ўзаро ҳамкорликда аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини ижодий изланиши ва қўлланиши орқали ҳал этишга замин тайёрлайдиган дидактик ўйинларни ижодий ўйинлар деб аташ лозим.

Мазкур дидактик ўйинли дарсларда ҳамма таълим олувчилар ҳамкорликда ишлайдилар, аввал ўзлаштирилган билимларини янги вазиятларда қуллаб янги би-

лимларни эгаллайдилар. Бу эса таълим олувчиларнинг ўз билимларига, иқтидо-рига ишонч уйғотади ва ҳар бир таълим олувчи сидқидилдан ҳамма жиддий тайёргарлик муваффақият гарови эканлигини англаган ҳолда билим олишга киришади.

Таълим технология элементларини танлаш ва амалга ошириш

Таълим технология элементларини танлаш ва уларни амалга оширишда амалиётдаги оддий қоида шу ҳақда гувоҳлик берадики, янги билимларни бериш назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқасида амалга ошириш, кейин эса баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа шу каби ноанъанавий методларни амалга ошириб, таълим олувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш керак.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида, масалан фақат маъруза ўқиладиган вақт 20 дақиқадан ошмаслиги керак.

Чунки ўрганишнинг дастлабки 20 дақиқаси энг самарали, 30 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди.

Бу ҳамма таклифлар таълим олувчининг диққатини узоқроқ вақтгача сақлаб туришга хизмат қилади.

Идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналлардан фойдаланилса, эса олиб қолинган билимларнинг миқдори ва сифати шунчалик юқори бўлади. Агар билимлар фақат «маъруза»лар орқали (пассив тинглаш йўлида) берилган бўлса, унда 3 кундан сўнг уларнинг фақат 25% ини эслаш мумкин холос. Агар у маърузалар ўқиш (тинглаш), намойиш ва кўрғазмали қилиш (кўриш, ушлаб кўриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тўғрисида баҳслашилса, унда 3 кундан сўнг 75% ини эсга тушириш мумкин.

Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорик каналлар биргаликда ишга солинган бўлса, маълумотларнинг қисқа хотирадан узоқ хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.


Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига ўқитиш методларининг таъсир даражаси

1. Маъруза эшитганимизнинг 5%
2. Ўқиш ўқиганимизнинг 10%
3. Видеоусул, намойиш - кўрганимизнинг 20%
4. Тажрибани намойиш қилиш - кўрган ва эшитганимизнинг 30%
5. Баҳс-мунозара - муҳокама қилганимизнинг 40%
6. Машқлар - ўқиган, ёзган, гапирганимизнинг 50%
7. Ишбоп ўйин, кичик гуруҳларда ишлаш, лойиҳалаш - мустақил ўқиганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, ҳимоя ва намойиш қилгани-

мизнинг 75%

8. Йўналтирувчи матн, муаммоли вазият, бошқаларни ўқитиш – мустақил ўрганганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, бошқаларни ўқитган нарсаларимизнинг 90%.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дарс жараёнида ноанъанавий методлар қўлланилганда, таълим олувчиларнинг ахборотни эслаб қолиш кўрсаткичлари



ни эслаб қолиш кўрсаткичининг энг юқори даражаси 30% ни ташкил этар экан. Ноанъанавий методлар қўлланилганда эса, таълим олувчиларнинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси янада ортиб боради.

Қуйида таълим жараёнида фойдаланмоқчи бўлган методларни танлаш вақтида ҳисобга олиш лозим бўлган айрим жиҳатларни кўриб чиқамиз.

Ҳар қандай таълимнинг мақсади-билимини ҳамда уни амалда қўллаш билиш кўникмалари ва малакаларини шакллантириш, шунга зарур шахс сифатлари ва кўрсатмаларни ишлаб чиқишдир.

Ўқув фаолияти ҳаракатида мақсаднинг барча компонентлари амалга ошар экан, турли методларни биргаликда қўллаш зарур. Шунинг учун, метод танлашда энг асосий омил бўлиб, аниқ ўқув машғулотининг дидактик вазифаси хизмат қилади.

Ўқув мақсади	Методлар
Билим	Маъруза, намоёниш, видеоусул, баҳс-мунозара, ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, ишбоп ўйин, ролли ўйин, муаммоли вазият, лойиҳалаш, давра суҳбати
Кўникма ва малака	Лаборатория ишлари, амалий машқлар, тўрт поғонали метод, ишбоп ўйин, ролли ўйин, муаммоли вазият, лойиҳалаш, йўналтирувчи матн

Метод танлаш нафақат ўқув мақсадидан, балки ўқув материал мазмунига ва бу фаннинг мураккаблигига боғлиқ. Бундан ташқари методларни танлашда

таълим олувчиларнинг сони, уларнинг ўқув имкониятлари, таълимнинг давомийлиги, ўқув-моддий шароитлар ва ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Таълим олувчиларнинг сони

Ўқув гуруҳидаги таълим олувчиларнинг сони муҳим аҳамиятга эга. Агар улар кўпчилик бўлмаса, энг фаол усулдан фойдаланиб, ўқитишни жадал суръатда олиб бориш мумкин. Агар таълим олувчилар кўп бўлса, агар Сиз фаол усуллардан ўзини оқламаган даражада кўп фойдалансангиз, уларнинг ҳар бирига етарли эътибор бериш учун вақтингиз етиши амри маҳол. Катта гуруҳлар учун ўқув материални оғзаки баён қилиш усуллари (маъруза, ҳикоя, тушунтириш) кўпроқ мос келади.

Таълим олувчиларнинг ўқув имкониятлари

Ўқитиш методларини танлашда таълим олувчиларнинг ўқув имкониятларини ҳисобга олиш жуда муҳим: ёши, тайёргарлик даражаси ҳамда жамоада ўзаро муносабатларнинг ўзига хослигини.

Таълим олувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш қобилияти ва уни эътиборга олиш муҳимдир. Қуйида ҳаммага маълум даражалардан келиб чиққан ҳолда, таълим олувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришини ўзига хослигини кўриб чиқамиз.

Ўз-ўзини бошқаришнинг биринчи даражаси. Таълим олувчи вазифани тўлиқ қабул қилади, иш охиригача уни тўлиқ сақлайди. Диққат билан, чалғимасдан ишлайди. Асосан аниқ ишлайди, хатога йўл қўйса, текшираётганида буни сезади ва тўғрилайди. Таълим олувчи: ишини топширишига шошилмайди, ишни тўғри, чиройли, тартибли бажарилганини яна бир бор текширади.

Ўзини-ўзи бошқаришнинг иккинчи даражаси. Таълим олувчи вазифани тўлиқ қабул қилади, уни иш охиригача сақлайди. Иш жараёнида баъзи бир хатоларга йўл қўйиши мумкин, лекин уларни сезмайди ва тузатмайди. Ишни текшириш вақтида ҳам хатоларни сезмайди. Яхши баҳо олишга интилиши бўлгани билан, ишни безатилиш сифати уни қизиқтирмайди.

Ўзини-ўзи бошқаришнинг учинчи даражаси. Таълим олувчи вазифанинг фақат бир қисмини қабул қилади, лекин машғулот охиригача уни қабул қилган ҳажмини ҳам сақлаб қолмаслиги мумкин. Вазифани бажараётганда фақат эътиборсизлик туфайли эмас, балки вазифани бажариш қоидаларини эслаб қолмаганлиги учун ҳам хатоларга йўл қўяди. Хатоларни одатда сезмайди, иш жараёнида тузатмайди, вазифани текшираётганида ҳам сезмайди. Ишни яхшилашга ҳошиш билдирмайди. Олинган натижаларга совуққонлик билан қарайди.

Ўзини-ўзи бошқаришнинг тўртинчи даражаси. Таълим олувчи вазифанинг кичик қисминигина қабул қилади, лекин шу заҳотиёқ уни батамом йўқо-

тади. Хатоларни сезмайди, уларни тузатмайди, вазифанинг тўғри бажарилганлигини текширишга вақт кетказмайди. Бажарилган иш сифатига бефарқ.

Ўзини-ўзи бошқаришнинг бешинчи даражаси. Таълим олувчи вазифани умуман қабул қилмайди. Унинг олдига қандайдир вазифа қўйилганини тушунмайди ҳам. Вазифадан, қалам билан қоғоздан фойдаланиш кераклигинигина илғаб олади. Ҳошия, сатрларни ҳисобга олиш варағини ёзиб битиради.

Таълимнинг давомийлиги

Дастурнинг ёки ўқув курси мавзуларининг давомийлиги табиийки, метод танлашга таъсир этади. Уларнинг баъзилари таълим олувчиларни тайёрлашга қанча кўп вақт талаб қилса, бу фаолиятни бажарилишига ҳам шунча вақт талаб қилади. Таълим муддати шунчалик чегараланган бўлиши мумкинки, кўп вақт талаб қиладиган методни Сиз уйлаганчалик тез-тез ишлатиш имконини бермайди, бу ҳолда бу усулларни фақат мақсадга мувофиқроқ жойларда қўллашингиз мумкин.

Вақт-у ёки бу методни амалга оширишга кетган меҳнатингиз нуқтаи назаридан муҳим омил ҳисобланади. Баъзи усуллар Сиздан бошқаларга нисбатан кўпроқ тайёргарликни талаб қилади. Шунинг учун бундай усулларни қўллашни режалаштираётиб, Сиз фаолиятни ташкил қилишнинг ушбу методини амалга оширишни тайёрлашга вақт ва куч етарлими, деб ўзингиз савол беришингиз керак.

Ўқув-моддий шароитлари

Баъзи методларни қўллашда алоҳида шароитлар талаб қилинмайди: компьютер, махсус компьютер дастурлари, магнит доскаси, махсус жиҳозланган хона ва ҳ.к. Агар Сиз, махсус ўқув-моддий шароитлар талаб қиладиган методлардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, уларнинг нақдлигини таъминлашингиз керак.

Ўқитувчининг маҳорати

Ўз-ўзидан равшанки, Сиз ўқув дастурини бажариш жараёнида маъқул бўлган методларни қўллашни билишингиз керак. Ўқитувчининг методларни тўғри танлай олиши унинг методик малакасининг даражасини кўрсатиб беради.

Ўқитувчи тўғри савол бериш малакасига эга бўлиши ва савол-жавоб техникасини эгаллаган бўлиши лозим. Бундан ташқари ўқитувчи ноанъанавий методларни қўллаганда фикр-мулоҳазаларни умумлаштиришни ва хулосалар чиқаришни билиши ҳамда гуруҳни бошқариш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак.

Моделлаштириш моделининг методларини қўллаганда ўқитувчи ўйин ре-

жаси туза олиши, вазият мазмунини ва иштирокчиларнинг вазифаларини ишлаб чиқишни билиши лозим.


Таълимнинг ташкилий шакли

Таълимнинг ташкилий шакли – белгиланган тартибда ва айнан содир бўладиган ўқитувчи ва таълим олувчининг махсус ташкил қилинган фаолиятининг ташқи ифодасидир.

Шундай қилиб, таълимнинг ташкилий шакли дидактик категория сифатида ўқув жараёнининг қуйидаги ташқи томонларини, яъни:

- унинг мавжудлик тарзини – тартиб ва режимини;
- ўқитувчи ва таълим олувчининг ҳамкорликдаги фаолиятининг ташқи ифо-дасини акс эттиради.

Таълим жараёнидаги ўзаро ҳамкорлик фаолиятимизнинг ташқи ифо-даси сифатида унинг ташкилий шакли муҳим ҳисобланади. Таълимнинг ташкилий шаклини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Бизнинг таълим олувчилар билан ҳамкорликдаги фаолиятимиз, гуруҳ дарс тизими доирасида, таълимни ташкиллаштириш шакллари қуйидагиларида ўз ифодасини топади:

- жамоа иш – барча ўқитувчилар билан бир вақтда ишлаш;
- гуруҳларда ишлаш:
 - жуфтликларда ишлаш;
 - гуруҳда ишлаш;
 - гуруҳлараро иш;
- якка тартибда ишлаш.

Ушбу ташкилий шаклларнинг ҳар бири, жамоавий ва якка тартибда таълимни биргаликда олиб боришнинг турлилиги, таълим олувчиларнинг мустақиллик даражасининг турлилиги ва бошқалар билан тавсифланади.

Таълим олувчиларни гуруҳларга қай тарзда ажратиш керак?

Таълим олувчиларни гуруҳларга шакллантиришда қуйидагиларга эътиборни қаратиш зарур:

▪ **тасодифий белгилар бўйича:**

- бунинг учун таълим олувчига бирдан бешгача кетма-кет санашни илтимос қиламиз, кейин эса биринчиларни, иккинчиларни, учинчиларни ва ҳокозоларни кичик гуруҳларга бирлаштирамиз.

▪ **ихтиёрий белгилар бўйича:**

- таълим олувчиларни хоналарда жойлашганига қараб гуруҳларга бирлаштириш мумкин.

▪ **мажбурий кичик гуруҳларга ажратиш:**

- ўқитувчи таълим олувчиларни мажбурий равишда ўзи кичик гуруҳларга ажратади.

Гуруҳнинг сон таркибини аниқлаш пайтида вазифани характерини ҳисобга олиш керак. Вазифаларни мураккаблик даражасига қараб кичик гуруҳлар сони қуйидагича шакллантирилади:

- кичик вазифаларни бажариш учун гуруҳнинг оптимал таркиби 3 – 5 киши (машқлар, ўқув турнири, китоб билан ишлаш ва бошқалар)
- 5 дан то 7 кишигача – мураккаб вазифалар учун.
- кўп меҳнат талаб қиладиган (чет тиллар бўйича машғулотларда) мураккаб вазифалари учун кўп сонли гуруҳ тузиш зарур;
- бир-бирини тушинишни талаб қиладиган (чет тиллар бўйича дарсларда) машқлар учун жуфтликларда ишлаш яхши.

Таълим воситалари

Таълим-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан таълим воситалари билан қай даражада таъминланганлигига боғлиқ бўлади.

Таълим воситалари олтига турга бўлинади:

- матнли воситалар;

- тасвирли воситалар;
- аудио воситалар;
- ёрдамчи (жихоз) воситалар;
- модели воситалар;
- реал воситалар.

Таълим воситаларининг турлари

МАТНЛИ



Маълумот олиш ва маълумотларни қайта ишлаш

- ўқув дастурлари
- махсус адабиёт (дарслик)
- тарқатма материаллар
- имтиҳон ва назорат варақалари
-


ТАСВИРЛИ



Умумий тасаввурни вужудга келтириш

- фотосуратлар
- эскиз, чизма, схемалар
- рамзий тасвирлар, режа жадваллар, символлар
- диаграмма ва графиклар
-

АУДИО



Жараёнлар ва ишлаш механизмлари тўғрисида реал тасаввурларни вужудга келтириш

- видеофильмлар;
- компакт дисклар;
- аудиокассеталар.

ЁРДАМЧИ (ЖИҲОЗ)

Тасвир ва матнни ёзиш ва сақлаш

- доскалар (оқ доска, магнит доскаси);
- «Пинборд» доскаси;
- видеопроекторлар, видеопроектор доскаси;
- кодоскоп;
- видеомагнитофон, камера;
- компьютер;
- флипчартлар.

МОДЕЛЛИ

Ўрганилаётган объектнинг модели орқали у ҳақда тасаввур ҳосил қилиш

- моделлар;
- макетлар.

РЕАЛ

Ўрганилаётган объектлар ҳақида реал тасаввурни вужудга келтириш

- асбоб-ускуналар;
- станоклар;
- ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотлар.

Таълим технология турлари ва уларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш
Таълим технологияси қуйидаги турларга бўлинади:

- Анъанавий

➤ Ноанъанавий

Анъанавий таълим технологияси – муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш, ёритиш, мустаҳкамлаш ва яқунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.

Анъанавий таълим технологияларини шартли равишда қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- Янги билимларини ўрганиш
- Умумий ёки аралаш
- Билимларни мустаҳкамлаш
- Синов ёки текшириш
- Саёҳат

Ноанъанавий таълим технологияси – таълим жараёни марказида таълим олувчи бўлиб, янги педагогик технологиялар асосида олиб бориладиган дарслар тушунилади.

Янги педагогик технологиялар ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методи ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуи бўлиб, таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсадга эришишга йўналтирилган.

Ноанъанавий таълим технологияси анъанавий таълим технологиясидан фарқ қилиб, таълим олувчиларнинг билиш имкониятларини ривожланишига шароит яратади, мустақил ишлашларига алоҳида эътибор берилади, билиш фаолиятлари изланувчан ва ижодий характерга эга бўлади. Дарс тузилмаси ўзгарувчан бўлади.

Ноанъанавий таълим технологиясини ўз навбатида учга болинади:

- ***Ҳамкорликда ўрганиш***
- ***Моделлаштириш***
- ***Тадқиқот***


Ҳамкорликда ўрганиш - таълим олувчиларнинг билимни ўзлаштириш, сингдириш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани кетма-кетлик бўйича таълим олувчининг бевосита бошчилигида ишга солишни ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олиш моделидир. Ушбу модел таълим олувчиларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган методлардан иборат. Буларга китоб билан ишлаш, ўқув суҳбати, давра суҳбати, ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара каби методларни киритиш мумкин.

Моделлаштириш – реал ҳаётда ва жамиятда юз берадиган ҳодиса ва жараёнларнинг ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини синфхонада яратиш ва уларда таълим олувчиларнинг шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига

таълим олишини кўзда тутувчи методлардан иборат. Ушбу методларнинг асосий мақсади таълим олувчиларнинг фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёни самардорлигини оширишга қаратилган. Буларга ишбоп ўйинлар ва ролли ўйинлар каби методларни кириш мумкин.

Тадқиқот – таълим олувчилар томонидан муаммони тушуниш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундайдиган усуллар йиғиндисидан иборатдир. Тадқиқот моделининг мақсади дарс жараёнида таълим олувчиларда савол қўйиш ва уларга жавоб излашида қизиқишини уйғотишга қаратилгандир. Ушбу модел бўйича ўқитиш таълим олувчиларни амалий изланиш жараёнида бевосита қатнашишини таъминлайди. Буларга муаммоли вазият, лойихалаш методи, мустақил изланиш, йўналтирувчи матн каби методлар кириди

Қуйида таълим моделлари бўйича методлар тизимига батафсил тўхталиб ўтамиз.



Конференция дарслари

Конференция дарслари таълим олувчиларнинг билиш фаолиятларини фаоллаштиришда, илмий дунёқарашни кенгайтиришда, уларни қўшимча матери-

аллар билан таништиришда, илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда, онгли равишда касб танлашга муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи конференция дарсни ўтишдан аввал дарс мавзусини, мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиб шу мавзуга оид қўшимча илмий, илмий-оммабоп адабиётларни кўздан кечиради. Мазкур дарс ўтказишдан 10 кун олдин дарс мавзуси эълон этилиб, унга тайёргарлик кўриш учун адабиётлар тавсия берилади. Эълон қилинган дидактик ўйинли дарсда «олимлар» ролини танлаш, мавзунини ҳар тамонлама ёритиш, ҳар бири таълим олувчининг қизиқиши ва қабилитига яраша маъруза тайёрлаш таълим олувчиларнинг ихтиёрида бўлади. Дарсга тайёрлик даврида ўқитувчи тамонидан ижобий рағбатлантиришнинг устунлиги ва муваффақиятга йулловчи ўқитувчининг мулоқат маданияти, ўзаро ярдами таълим олувчиларнинг дарсга қизгин тайёргарлик кўришнинг муҳим омили саналади.

Илмий конференция дарсини қўйидагича ўтказиш тавсия этилади:

I. Ўқитувчининг кириш сўзи. Бунда ўқитувчи дарс мавзуси, мақсад ва кутилаётган натижа, тегишли ролларни бажарувчи «олимлар» билан таништирилади.

II. Илмий маърузани тинглаш «Олимлар» мавзу юзасидан тайёрланган маърузаларини кўргазмали кураллар асосида баён этадилар.

III. Маърузалар муҳокамаси. Бунда «Олимлар» ва синфдаги бошқа таълим олувчилар ўртасида мавзу юзасидан баҳс, мунозарав ўтказилади.

IV. Илмий конференция якуни. Ўқитувчи мавзу юзасидан энг муҳим тушинча ва ғояларни таъкидлаб, якунлайди.

V. Таълим олувчиларни баҳолаш. Дарсда фаол иштирок этган таълим олувчилар рағбатлантирилади ва баҳолинади.

VI. Ўйга вазифа бериш.

VII. Дарсни умумий якунлаш.

Ўқув жараёнларини таълим технологиялари асосида лойиҳалаштириш

Маълумки, дарс самарадорлигига эришишнинг 80-фоизи ўқитувчини машғулотларга тайёргарлик кўришига яъни таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириши, ташкил этиши ва уни амалга оширишига боғлиқдир.

Ўқитувчининг машғулотларни муваффақиятли ўтказиш учун уларга пухта тайёргарлик кўриши муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ниманинг, қачон ва қандай ўргатилишини жуда аниқ тасаввур қилиши керак.

Ўқув режасида ўқув фанига ажратиладиган ўқув вақтини. ярим йилликлар

ва ҳафталар бўйича тақсимлаш мўлжалланади. ДТС талаблари асосида тузилган ўқув дастурида ўрганилиши лозим бўлган ўқув материалнинг ҳажми, унинг мавзулар бўйича тақсимланиши ва ҳар бир мавзунини ўрганиш вақти белгилаб олинади. Дастурнинг ҳар бир мавзусида таълим олувчиларга меҳнат қилишнинг қайси йўл ва усуллари, қандай технологик операцияларни ўргатиш лозимлиги кўрсатилган. ДТС да бирор ихтисос билан ўқишни тамомлаган ёш мутахассис назарий билимлар олиш ва ишлаб чиқариш малакаларини қондириш юзасидан қандай талабларга жавоб бериши кераклиги кўрсатиб ўтилади.

Ўқитувчининг машғулотларга тайёргарлик кўриши ҳақида гап борганда, жуда кўп ҳолларда фақат бир ўқув кунини учун зарур ҳамма нарсаларни ўйлаб олиш, режалаштириш ва таъминлашнигина назарда тутилади. Бундай деб ўйлаш нотўғри. Бутун мавзунини ўтишга тайёргарлик кўрмасдан туриб, алоҳида дарсга тўғри тайёрланиб бўлмайди. Бошқа бир томондан, ўқитувчининг мавзуга ёки дарсга тайёргарлик кўриши ҳаммаша ўқув дастури устида ишлаш билан мусгаҳкамланган тақдирдагина муваффақиятли бўлиши мумкин.

Ўқитувчи тайёргарликни янги ўқув йили: бошланмасдан олдин бошлайди. Табиийки, тайёргарликнинг мазмуни тажрибали ва эндигина ўқитувчилик қила бошлаган педагоглар учун турлича бўлади. Аммо ишнинг бу босқичи тажрибасидан қатъи назар ҳар бир ўқитувчи учун мажбурийдир.

Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ёш мутахассислар олдига янги талаблар қўймоқда. ДТС ида, ўқув режа ва дастурларда ўзгаришлар юз бермоқда, таълимнинг замонавий таълим технологиялари, ахборот технологиялари пайдо бўлмоқда, янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилмоқда. Ўқитувчи машғулотларга тайёргарлик кўраётганида буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиши лозим.

Ўқитувчининг ўқув йилига (ярим йилликка) тайёргарлиги

Ўқитувчи ўқув йилига (ярим йилликка) тайёрланаётганида фани бўйича ўқув режа ва дастурларини ўрганади, бошқа фанлар (умумий таълим, материалшунослик, чизмачилик, электротехника ва бошқалар) дастурлари билан танишиб чиқади.

Ўқитувчилар ўқув дастурларини ўрганаётганида уларга киритилган мавзуларнинг рўйхати ва мазмуни билан яхшилаб танишадилар. Бу уларга ҳар бир мавзунини ўрганиш мақсадини аниқ тасаввур этиш, олдин ўтилган ўқув материални навбатдаги материал билан боғлашни белгилаб олиш, машғулотлар ўтказиш учун зарур ўқув ишлари, жиҳозлар, мосламалар, асбоб-ускуналар ва материалларни аниқлаб олиш ҳамда уларни тайёрлаш имконини беради.

Тажрибали ўқитувчилар бутун бир йилга мўлжаллаб умумий таълим режасини тузадилар. Бу режада қуйидагилар назарда тутилади: янги техникага

оид адабиётларни, қўлланмаларни; ихтисосга оид илғор тажрибани ёритувчи ахборот varaқаларини ўрганиш; янги дарсликлар, методик; қўлланмалар билан таълим олувчиларга таълим ва тарбия бериш масалалари ёритилган методик хатлар ва бошқа материаллар билан танишиш; ишлаб чиқариш новаторларининг ишлаш методлари билан амалда: танишиш; зарур ўқув-моддий база тайёрлаш; жуда мураккаб буюмларнинг намуна эталон-ларини ҳозирлаш; корхоналар буюртмалари ва ўзига хос хусусиятларини хи-собга олган ҳолда тузган намуна рўйхатлари асосида ўқув ишлари рўйхатини ишлаб чиқишда қатнашиш; операцияларга ҳамда ишларни бажаришдаги ўзга-ришларга доир инструкция-технологик ҳужжатлари ишлаб чиқишда (опера-циялар ва ўзгаришлар изчиллигини, шунингдек ҳар бир ўзгаришнинг техника-вий шароитларини кўрсатган ҳолда) бевосита иштирок этиш; рўйхатда тайёрлаш учун кўзда тутилган ишларни касбий таълим бўйича директор ўринбосари ва мухандис педагог раҳбарлари ҳамда катта ўқитувчи билан ҳамкорликда (шогирдлик нормалари).

Ўқитувчининг дастурдаги навбатдаги мавзуни ўрганишга тайёргарлик кўриши

Ўқитувчининг ўқув дастуридаги навбатдаги мавзуни ўрганишга тайёргарлик кўриши куйидагилардан иборат: ўқитувчи мавзу ўқув материалининг мазмунини таҳлил қилади, уни дарслар (машғулотлар) бўйича тақсимлаб чиқади ва ҳар бир дарсга қўйиладиган вазифаларни белгилаб олади; мавзуни ўрганиш пайтида таълим олувчилар бажариши лозим бўлган ўқув ишларининг мазмуни ҳамда миқдорини белгилаб қўяди; ўқув гуруҳининг муайян мавзуга доир ишларни бажариши учун ўқув моддий база тайёрлайди. Ўқув дастурларининг кўпчилик мавзулари бир қанча ишларни ўз ичига олади; бундай ҳолларда ўқув материали мавзуси мавзучаларга бўлиб чиқилади.

Навбатдаги мавзуни тўлиқ ва сифатли ўрганиш учун, ўқитувчи ишлаб чиқариш таълими ўқув дастурининг мавзусигина эмас, балки махсус технологияга доир мавзуларни ҳам синчиклаб ўрганади. Ўқитувчи назарий таълим дарсларида олинган билимлардан фойдаланиш учун таълим олувчиларнинг махсус технология ва бошқа фанлардан нималарни ўрганганларини аниқлаб олиши лозим. Бундан ташқари, ўқитувчи мавзу материални ўқув кунлари бўйича шундай тақсимлаши керакки, таълим олувчилар зар куни иш билан бир хилда банд бўлсинлар, айрим кунларда таълим олувчиларга ўзлаштириб олиш лозим бўлган кўпгина янги материал бериш, бошқа кунларда эса, аксинча, жуда кам материал бериш ҳоллари бўлмасин. Ўқитувчи. машғулотларни мавзулар бўйича ўтказиш методикаси масалаларини яхшилаб ўйлаб, куйидагиларни белгилаб олади:

- қайси ўқув материалининг ўқув кунлари бўйича тақсимланиши;
- таълим олувчилар билан ишнинг қайси йўллари, усуллари ва турларини ўрганиш зарурлиги, предметлараро алоқаларни қаерда ҳамда қандай қилиб қўлланиш кераклиги;
- қандай иш қуролларидан фойдаланишни ўргатиш лозимлиги, иш усулларини ўрганиш изчиллиги;
- назорат қилишни қандай йўл ва усулларини ўрганишга тўғри келиши, бунда қандай асбоб-ускуна ва приборлардан фойдаланиш лозимлиги;
- кириш машғулотларини, таълим олувчиларга индивидуал йўл-йўриқлар бериш ва яқунловчи машғулотларни қачон (дарснинг қайси қисмида) ўтказиш кераклиги;
- мавзу ўрганишнинг бошланғич ва яқунловчи босқичларида таълим олувчиларга топшириқларни бажариш тартибини қандай тушунтириш лозимлиги, таълим олувчиларнинг мустақилликларига эришиш;

Таълим олувчиларнинг топшириқни сифатли бажаришлари, уларнинг тайёр ишлари эса ҳамма техник талабларга жавоб бериши учун технологик жараённинг қайси хусусиятларини кўриб чиқиш лозимлиги;

Таълим олувчиларга меҳатни ташкил этиш ва хавфсизлик техникаси бўйича қандай тадбирларни тушунтириш кераклиги; .

Қандай тарбиявий иш олиб бориш, уни материални ўрганиш билан қандай боғлаш лозимлиги.

Ўқитувчи ўқув материални кунлар бўйича тақсимлаб чиққанидан кейин мавзунини бутун ўрганишни йўлга қўйишни ўйлаб олади, асосий ва ёрдамчи материалларни, алоҳида мавзучалар, махсус асбоб-ускуналар, мосламалар, ўқув-кўрсатма қуролларини; чизмалар, технологик ҳамда ахборот карталарини тайёрлайди; таълим олувчиларнинг ўзлаштириш ва иш қобилиятларини ҳисобга олиб, уларга ҳар куни қушимча ишлар беришни мўлжаллаб қўяди..

Ўқитувчи навбатдаги мавзуга тайёргарлик кўраётганда техника, технология, ишни илмий асосда ташкил этиш ва ишлаб чиқариш илғорлари иш тажрибалари соҳасида эришилган сўнги ютуқларига доир адабиётни синчиклаб ўрга-нади. Бунда ўқитувчи таълим олувчиларни таништириш лозим бўлган ишнинг илғор методларини, ишлаб чиқаришдаги корхона новаторлари меҳнатининг рационал йўли ва усулларини танлашга алоҳида эътибор бериши лозим.

Ўқув машғулотига тайёргарлик кўриш ўқитувчининг бутун тайёргарлик ишининг яқунловчи ва ҳал қилувчи босқичидир. Таълим олувчиларга таълим ва тарбия бериш самаралари, уларнинг касбга доир билимларни, кўникма ҳамда малакаларини чуқур ва пухта ўзлаштириб олишлари, уларда фаол иштирок

этиши ҳамда мустақилликнинг ривожланиши ана шу тайёргарликка боғлиқдир. Ўқитувчининг вазифаси ҳар бир машғулотга пухта тайёрланишдир. Бу жараёнларни қуйидаги босқичлар бўйича амалга оширилади.

1. Мавжуд вазият ва дастлабки шарт-шароитлар ҳисобини олиш;
2. Ўқув мақсадлари ва ўқув мазмунларини белгилаш;
3. Ўқув жараёнини лойиҳалаштириш;
4. Ўқув-дидактик материалларни тайёрлаш;
5. Назарий дарс ва инструктажни ўтказиш;
6. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш.



Ўқув жараёнини лойиҳалаштириш қуйидаги босқичлардан иборат:

- Дарс мақсад ва натижаларини белгилаш;
- Дарс ресурсларини танлаш;

- Ўқитиш ва ўқиш стратегиясини белгилаш;
- Дарс турини танлаш;
- Дарснинг технологик харитасини ишлаб чиқиш.

Дарс мақсад ва натижаларни белгилаш-ўқитиш ва ўқиш жараёнларининг энг муҳим омили. Таълим жараёни, айнан шундан бошланади. У ДТС талабларидан келиб чиқиб аниқланади. Дарснинг мақсади ўқитув таълим олувчига қандай билим, кўникма ва малакаларни бериши керак эмас, балки таълим олувчилар бу дарсдан қандай билим, кўникма ва малакаларни эгаллашиларидан келиб чиқиб ёзилиши лозим. Дарс мақсади ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг умумий натижаларга қараб ҳаракатланишини белгилайди. Шунга кўра уни ташхисли ифодалаш керак яъни аниқ бўлиши керакки, унда қуйидагиларга эришиш:

- Шундай дидактик жараёни кўриш керакки, ушбу таълим мақсадини маълум шароитларда ва белгиланган вақт ичида эришишга таъминлашни кафолатлаши;

- Ўқитиш жараёни якуни бўйича мақсадни амалга ошириш даражаси тўғрисида конкрет хулоса қилиш мумкин бўлсин. Бундан келиб чиққан ҳолда, ўқитиш мақсадларини таълим олувчилар ҳаракатларида ифодаланган таълим натижалари орқали ифодаланади.

Таълим технологиясининг кейинги энг муҳим компоненти-кутилаётган натижадир. У ўқитиш жараёнини самарадорлигини акс эттиради ва мақсадга эришиш даражасини тавсифлайди. Ўқитиш ва ўқиш жараёни, натижа қўйилган мақсадга мос келганда яқунланади.

Таълим ресурсларини танлаш – мавжуд шарт-шароит имкониятларидан фойдаланиб, таълим воситаларини ўқитувчи, таълим олувчи ва дарс ўтказиш учун ўринли танлаш ҳамда уларни ўқув жараёнида тўғри фойдаланишни кўзда тутати.

Ўқитиш ва ўқиш стратегияси – белгиланган ўқув материалларини таълим олувчилар онгига етказиш йўллари, яъни танланган таълим методи, шакллари амалда қўлланилишини кўзда тутати.

Дарс турни танлаш – дарснинг дидактик мақсади ва ўқув материалининг мазмуни, дарс жараёнига ажратилган вақт ҳамда ўқитувчининг маҳоратига кўра танлашни кўзда тутати.

Дарснинг технологик харитаси – дарс ишланмасининг асосий ўзагини ташкил этади. Дарс ишланмаси ўқитувчи учун тузиш мажбурий бўлган ҳужжатдир. Уни тузишдан кўзланган асосий мақсад ўқитувчининг дарс жараёнидаги фаолиятини режалаштириш, дарс мазмуни бойитиш, таълим самарадорлигини оширишдан иборат. Дарс ишланмасини йилдан-йилга такомиллаштириб ва мукам-

маллаштириб бориш, янги методларни қўллаш, янги материалларни киритиш билан янгилаб турилиши лозим. Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг жорий этилиши ва таълим жараёнига замонавий таълим технологияларни, янги ахборот технологиялари ва техник воситаларининг қўлланиши билан дарс ишланмаларига қўйилган талаблар ҳам ўзгариб бормоқда. Дарс ишланмалари учун тайёр қолип йўқ, чунки жонли дарс жараёнини ҳеч қандай қолипга солиб бўлмайди. У дарс тури ва танланган методларга қараб турлича бўлиши мумкин.

Конференция дарслари

Конференция дарслари таълим олувчиларнинг билиш фаолиятларини фаоллаштиришда, илмий дунёқарашни кенгайтиришда, уларни қўшимча материаллар билан таништиришда, илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда, онгли равишда касб танлашга муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи конференция дарсни ўтишдан аввал дарс мавзусини, мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиб шу мавзуга оид қўшимча илмий, илмий-оммабоп адабиётларни кўздан кечиради. Мазкур дарс ўтказишдан 10 кун олдин дарс мавзуси эълон этилиб, унга тайёргарлик кўриш учун адабиётлар тавсия берилади. Эълон қилинган дидактик ўйинли дарсда «олимлар» ролини танлаш, мавзунини ҳар тамонлама ёритиш, ҳар бири таълим олувчининг қизиқиши ва қабилиятига яраша маъруза тайёрлаш таълим олувчиларнинг ихтиёрида бўлади. Дарсга тайёрлик даврида ўқитувчи тамонидан ижобий рағбатлантиришнинг устунлиги ва муваффақиятга йулловчи ўқитувчининг мулоқат маданияти, ўзаро ярдами таълим олувчиларнинг дарсга қизғин тайёргарлик кўришнинг муҳим омили саналади.

Лойиҳа усули

Лойиҳа усули - таҳсил олувчиларни муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришни кўзда тутувчи метод.

Лойиҳа усули йўналтирувчи текст усули билан чамбарчас боғлиқ, чунки йўналтирувчи текст усули ишлаб чиқарилганлиги туфайли лойиҳалар устидаги ишларда пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиш бўлган.



Лойиҳа усулининг ташкилий шакллари:

1. Мустақил режалаштирилган индивидуал иш: тингловчига лойиҳа иши берилгандан сўнг, у ўз лойиҳасини режалаштиради, қарор қабул қилади. Индивидуал равишда ишлаб амалга оширади ва натижаларини ўзи таҳлил қилади.

2. Гуруҳда режалаштирилган индивидуал иш: Гуруҳга лойиҳа иш берилгандан кейин гуруҳ тингловчилари «Маълумот йиғиш, режалаштириш, қарор қабул қилиш» босқичида биргаликда ишлайди, қолган босқичларида (амалга ошириш, текшириш, хулоса) индивидуал мустақил ишлайди. Масалан, Ўқув режаларини тақомиллаштириш тингловчилар маълумот йиғиш, режалаштириш, қарор қабул қилиш босқичида биргаликда ишлайди. Амалга ошириш, текшириш, хулоса босқичида ҳар бир тингловчи ўзининг коллеж йўналишларидан бирини танлаб ўша бўйича индивидуал ўқув режани тузади.

3. Гуруҳда бажариладиган иш: Гуруҳда лойиҳа иши берилгандан сўнг гуруҳ тингловчилар биргаликда умумий режани тузишади. Сўнг лойиҳа ишини бир неча қисмларга бўлинади ва уларни бир-бирига боғловчи бўғинлар гуруҳда келишиб олинади. Режалаштириш эса ҳар бир тингловчининг ўзи амалга оширади. Сўнг ҳар бир таълим олувчи ёки кичик гуруҳ ўзининг қисман лойиҳасини тузади. Масалан: ўқув ишларини ташкил этиш лойиҳа иши қилиб олинса. Уни қуйидаги ўқув жараёнини режалаштириш. Ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқув жараёнини назорат қилиш қисман лойиҳа ишларига бўлинади. Ўқув жараёнини режалаштиришни фаолиятларга бўлиб ташланади. Коллежнинг истиқбол йиллик режасини тузишда иштирок этиш, ўқув юкламаларини тузиш, кафедранинг

йиллик режасини тузиш, дарс жадвалини тузиш.

Ўқув жараёнларини ташкил этиш:

- Кадрларни танлаш жой-жойига қўйиш
- Дарс жадвалини мувофиқлаштириш
- Тарификация тузишда иштирок этиш
- Ўқув хона мудирлари билан ишлаш
- Ўқитувчиларни методик қўлланма, адабиётлар, техника восита билан таъминлаш
- Дарсни кузатиш таҳлил қилиш
- Ўқув режа, дастурларни бажарилишини, таълим олувчиларни давомати ваўзлаштириши, ўқув журналларни тўғри юритилиши
- Таълим олувчиларнинг дафтарини текшириш
- Иқтидорли таълим олувчилар билан ишлаш.

Лойиҳалар усулининг технологик харитаси.

Иш босқичлари ва таркиби	Ўқитувчи фаолияти	Таҳсил олувчи фаолияти
I-босқич. Тайёрлов.	Лойиҳаларнинг мақсади ва мавзу рўйхатини аниқлайди. Тингловчиларни лойиҳали ёндошишнинг маъноси билан таништиради. Бир неча мавзу таклиф қилади, лойиҳа мазмуни ҳақида сўзлайди, унинг chegarаларини аниқлайди. Иш кўринишларини, уларнинг натижасини ва баҳолаш мезонини санаб беради.	Гуруҳларга бирлашадилар, лойиҳа мавзусини таҳлил қилиб танлайдилар. Керак бўлса қўшимча маълумот оладилар, мақсадларни белгилайдилар, лойиҳа устида ишлаш натижаларини муҳокама қиладилар.
II-босқич Маълумот йиғиш, режалаштириш, қарор қабул қилиш	Ҳоялар таклиф этади, таклифлар киритади. Маълумот манбаларини, уни йиғиш ва таҳлил қилишни тавсия қилади. Оралиқдаги босқичлар ва бутун жараённинг натижаларини баҳолаш мезонларини ва тартибини белгилайди.	Иш режасини тузадилар; вазифаларини аниқлайдилар, лойиҳани йўналиши ва бажарилиши босқичларини, уларнинг изчиллигини аниқлайдилар, гуруҳ аъзолари орасида вазифаларни бўлиб оладилар, биргаликда фаолиятни шаклини

		аниқлайдилар. Ўқитувчи билан натижаларни бажариш усуллари ҳақида келишадилар.
III-босқич Амалга ошириш	Маслаҳат беради ва фаолиятга бошчилик қилади.	Топшириқ вазифаларни ечадилар.
IV-босқич Текшириш хулосаларни шакллантириш	Бутун жараёни мувофиқлаштиради, орқага қайтувчи алоқани ўрнатиш.	Олинган маълумотларни таҳлил қиладилар, якуний натижаларни аниқлайдилар.

Анъанавий таълим технологияси афзалликлари:

- Маълум кўникмаларга эга бўлган ва аниқ маълум тушунчаларни, фанни ўрганишда фойдали.
- Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёни ва ўқитиш муҳитининг юқори даражада назорат қилиниши.
- Вақтдан унумли фойдаланиш.
- Аниқ илмий билимларга таянади.

Камчиликлари:

- Таълим олувчилар пассив иштирокчи бўлиб қоладилар.
- Ўқитувчининг тўла назорати барча таълим олувчилар учун мотивацияни вужудга келтирмайди.
- Таълим олувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқатга кириша олмайди.
- Эслаб қолиш даражаси ҳамма таълим олувчиларда бир хил бўлмаганлиги сабабли, синф бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қолиши мумкин.
- Мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилмайди.

Ноанъанавий таълим технологиясининг афзаллиги:

- Ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши
- Ўз вақтида алоқаларнинг таъминланиши
- Тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиш
- Ўқитиш усуллариининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши
- Мотивациянинг юқори даражада бўлиши
- Ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши
- Мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашиши
- Ўз-ўзини баҳолашнинг ўсишиши

Таълим олувчиларнинг предметнинг мазмунига ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати

Мустақил фикрлай оладиган таълим олувчининг шаклланишига ёрдам бериши

Нафақат мазмунини ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантиқий фикрлашни ривожлантириши

Муаммолар ечиш кўникмаларининг шаклланиши

Камчиликлари:

Кўп вақт талаб этилиши

➤ Таълим олувчиларни ҳар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятнинг пастлиги

➤ Жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганида ҳам ўқитувчи ролини паст бўлиши

➤ Кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг паст баҳо олиши

➤ Ўқитувчиларнинг ўзи ҳам яхши ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмаларига эга бўлишининг талаб этилиши.

Хулоса қилиб, ноанъанавий таълим технологияси қуйидагиларга имкон яратади:

➤ Ўз нуқтаи-назарий ва фикр-мулоҳазаларини аниқ, ишончли тарзда баён қилишга ўргатади, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;

➤ Ахборот ва унинг манбаларини тадқиқ қилиш ва баҳолашга ўргатади;

➤ Юзага келган вазиятларнинг сабаб-оқибатли муносабатларини топиш, таҳлил қилиш, алоқаларини аниқлашга ўргатади.

➤ Муаммоларни қўйиш ва уларнинг ечимини топиш қобилиятларини ривожлантиради;

➤ Шахслараро мулоқот ва мунозаралар юритиш малакаларини ривожлантиради;

➤ Курс ўқитувчисини ҳам изланишига, ижобий ишлашига ундайди

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Casestudy” услуби: назария, амалиёт, тажриба. – Т.: “Tafakkur qanoti” нашриёти, 2012.
2. Абдуллаева Х.А. Машғулотларда фаол таълим усулларидан фойдаланиш / – Фарғона: ФарДУ, 2008.
3. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар / – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008.
4. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат / – Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси” нашриёти, 2006.
5. Зуннунов А. ва бошқалар. Педагогика тарихи / –Т.: Шарқ, 2000.
6. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика / Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2004.
7. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика / Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2004.
8. Ишмухамедов Р., Абдуқародиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари ўқитувчи ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009.
9. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. Педагогик технологиялар / – Т.: “Молияқтисод” нашриёти, 2009.
10. Йўлдошев Ж.Ғ. Хорижда таълим / –Т.: Шарқ, 1995.
11. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А. Б. Инновацион таълим технологиялари / - Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.
12. Мухина С.А., Соловьёва А.А. Современные инновационные технологии обучения / – М.: “ГЭОТАР-Медия”, 2008.
13. Омонов Н.Т. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat / – Т.: “Iqtisod–moliya”. 2009.
14. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари / - Т.: 200
15. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.
16. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат / –Т.: ТДПУ, 2005.
17. Тохтаходжаева М.Х. ва бошқалар. Педагогика назарияси ва тарихи/ 1-қисм: Педагогика назарияси.– Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007.
18. Холиқов А.А. Педагогик маҳорат / – Т.: “Tafakkur-bo`stoni” нашриёти, 2011.
19. Хошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи.-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005.
20. Ҳасанбоев Ж. ва бошқ. Педагогика / Ўқув қўлланма– Тошкент: “Фан”, 2006.